

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН
Ҳ У К М

2024 йил 12 сентябрь куни Тошкент вилояти жиноят ишлари бўйича Тошкент туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи шу туман судининг судьяси О.Мустафаев, халқ маслаҳатчилари Р.Абдрахова ва М.Гафуровалардан иборат таркибда, судья ёрдамчиси: О.Усмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси—Тошкент туман прокурорининг ёрдамчиси О.Расулов, судланувчи И.Ахмедов ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Турғунов, судланувчи Ф.Курбанов ва унинг ҳимоячиси-адвокат А.Садиков, судланувчи И.Закиров ва унинг ҳимоячиси-адвокат М.Дадабаевларнинг иштирокида,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан айбланган:

1986 йил 14 декабрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 4 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти Тошкент тумани Чувалачи МФЙ А.Навоий кўчаси 8-уйда яшовчи, 17.04.2024 йилдан қамокда сақланаётган, айблов хулосасини 28.05.2024 йил олган, **Ахмедов Иброхимбек Жахонгирович (Axmedov Ibroximbek Jaxongirovich);**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,273-моддаси 5-қисми билан айбланган:

1990 йил 3 апрель куни Тошкент вилояти Тошкент туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент вилояти Тошкент тумани, Чувалачи МФЙ А.Навоий кўчаси 105-уйда яшовчи, 17.04.2024 йилдан қамокда сақланаётган, айблов хулосасини 03.06.2024 йил олган, **Курбанов Фарход Бахрамович (Kurbanov Farxod Bahramovich);**

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан айбланган:

1970 йил 8 март куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта, оилали 2 нафар фарзандлари бор, муқаддам судланмаган, вақтинча ишсиз, Тошкент шаҳар, Янгиҳаёт тумани, «Янги Умид» МФЙ, 31-уй, 7-хонадонда яшовчи, 17.04.2024 йилдан қамокда сақланаётган, айблов хулосасини 03.06.2024 йил олган, **Закиров Искандар Джораевич (Zakirov Iskandar Djorayevich)**ларга оид 1-1122-2402/231-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.



Суд судланувчилар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини, тарафларнинг музокара нутқларини тинглаб, иш бўйича тўпланган далилларни текшириб, баҳолаб ва муҳокама қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ахмедов Иброхимбек Жахонгирович гиёҳвандлик воситаси қонунга хилоф равишда моддий манфаатдорлик эвазига ўтказиш мақсадида, ўзига олдиндан таниш бўлган И.Закировга 15 гр. миқдордаги “гашиш” (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситасини 1.400.000 сўм эвазига сотишга келишиб, келишувга кўра, 2024 йил 19 март куни соат тахминан 19:30 ларда Ф.Курбоновнинг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли транспорт воситасида биргаликда Тошкент шаҳар Юнусобод туманида А.Темур шох кўчаси ва Фароғат 5-тор кўчаси яқинида жойлашган “Оқсарой” миллий таомлари ошхонаси яқинида Закиров Искандар Джораевич билан унинг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 01 N 043 РВ бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситасида кўришиб, олдиндан келишилган 16 гр. миқдордаги полимер плёнка бўлагига ўралган 1 дона қора рангли полиэтилен пакетдаги қўнғир рангли, ўзига хос (наша ўсимлиги) ҳидига эга ширали гашиш (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситасини 1.400.000 сўм эвазига сотиб, ундан мазкур пул маблағларини олиб, автомашинадан тушган вақтида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ушланган.

Тезкор-тадбир давомида И.Закиров бошқарувидаги “Матиз” русумли автотранспорт воситасидан 1 дона қора рангли полиэтилен пакетдаги қўнғир рангли, ўзига хос (наша ўсимлиги) ҳидига эга ширали гашиш (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситасини ҳамда И.Ахмедовдан 1.400.000 сўм миқдорига нақд пуллар ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинган.

Тошкент вилояти ИИББ ЭКБнинг 20.03.2024 йилдаги 406-сонли экспертиза хулосасида И.Закиров бошқарувидаги “Матиз” русумли автотранспорт воситасидан олинган модда-юмшоқ, нам даражадаги ширали, ясси тўрт бурчаксимон кўринишдаги прессланган модда таркибида фаол гиёҳванд модда-тетрагидроканнабинол мавжуд бўлган модда “гашиш” (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситаси деб аталиши, 2024 йилнинг 20 март кунида 15,79 граммни ташкил этганлиги ва шундан 0,5 грамм тадқиқот учун сарфланганлиги қайд қилинган.

Шунингдек, Курбанов Фарход Бахрамович ўзига олдиндан таниш бўлган И.Ахмедовни Тошкент шаҳар турли жойларга киракашлик қилиб олиб юриши давомида, хизмат ҳақи эвазига пул маблағлари ва истеъмоли учун гиёҳвандлик воситаларини олиб, И.Ахмедовни гиёҳвандлик воситаси қонунга хилоф равишда ўтказиш билан шуғулланаётганлигини, яъни содир этилган ўта оғир жиноят ҳақида аниқ билгани ҳолда хабар бермаган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Ахмедов айбига қисман иқрорлик билдириб, судланувчи Ф.Курбанов ва И.Закировларни танишини, уларга нисбатан адовати йўқлигини, дастлабки терговда берган кўрсатувларини умуман тасдиқламаслигини, нима ёзилганини фақат айблов хулосасида ўқиганидан сўнг билганини, унга ўқитмасдан, қўйиб юборишни



ваъда беришгани учун сўроқ баённомаларини имзолаб берганини, унга рухий ёки бошқача тарзда тазйиқ ўтказилмаганини, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 19 март куни соат тахминан 19:30 ларда Ф.Қурбоновнинг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли транспорт воситасида биргаликда Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган “Оқсарой” миллий таомлари ошхонаси яқинига келиб, “Дамас” автомашинадан тушиб, И.Закиров билан унинг бошқарувидаги “Матиз” русумли автотранспорт воситасида кўришиб, унга биргаликда истеъмол қилиш учун 15 гр. миқдоридаги полимер плёнка бўлагига ўралган гиёҳвандлик воситасини берганини, Ф.Қурбонов уни автомашинасини полиги тагига қўйиб, биргаликда сигарет чекиш учун автомашинадан тушишганида тезкор ходимлари томонидан ушланганларини, у ҳеч кимга гиёҳвандлик воситасини сотмаганини, биргаликда истеъмол қилиш учун берганини, унинг ёнидан унга тегишли бўлган 5.800.000 сўм пулни олиб, ичидан 1.400.000 сўмни алоҳида чиқариб, ушбу пулга гиёҳвандлик воситасини сотганликда айбланганини, аммо буларни барчаси унинг пули эканлигини, Ф.Қурбонов киракаш одам эканлигини, уни 100.000 сўм эвазига олиб келиб-кетиш учун ёллаган бўлганини, дастлабки тергов жараёнида унга қўйиб юборишни ваъда қилишгани учун сўроқ баённомаларни имзолаб берганини, аслида ҳеч кимга гиёҳвандлик воситаларини сотмагани, бошқа айб эпизодларидан умуман хабари йўқлигини, бу тергов органи томонидан ўйлаб топилган ҳолатлар эканлигини баён қилиб, қонуний қарор чиқаришни сўради.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Ф.Қурбонов айбига иқрорлик билдирмасдан, судланувчи И.Ахмедовни танишини, И.Закировни танимаслигини, уларга нисбатан адовати йўқлигини, у кира қилиб кун кечиришини, дастлабки терговда берган кўрсатувларини умуман тасдиқламаслигини, нима ёзилганини фақат айблов хулосасида ўқиганидан сўнг билганини, унга ўқитмасдан, қўйиб юборишни ваъда беришгани учун сўроқ баённомаларини имзолаб берганини, унга рухий ёки бошқача тарзда тазйиқ ўтказилмаганини, ҳақиқатдан ҳам 2024 йил 19 март куни соат тахминан 19:30 ларда ўзининг бошқарувида бўлган “Дамас” русумли транспорт воситасида И.Ахмедов билан биргаликда Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган “Оқсарой” миллий таомлари ошхонаси яқинига келиб, И.Ахмедов “Дамас” автомашинадан тушиб, кимдир билан учрашиш мақсадида тушиб кетганини, у тахминан 30 дақиқалар кутиб турганини, шундан сўнг унинг олдига тезкор ходимлар келиб, ушлаб кетишганини, у ҳеч кимга гиёҳвандлик воситасини сотмаганини, у киракаш одам эканлигини, уни 100.000 сўм эвазига олиб келиб-кетиш учун И.Ахмедов ёллаган бўлганини, дастлабки тергов жараёнида унга қўйиб юборишни ваъда қилишгани учун сўроқ баённомаларни имзолаб берганини, И.Ахмедов гиёҳвандлик воситасини шуғулланишидан хабари бўлмаганини, фақат киракаш сифатида И.Ахмедов билан юрганини, баъзи вақт И.Ахмедовнинг телефони ишламаган вақтларида ҳақиқатдан ҳам унинг телефонидан И.Ахмедов фойдаланганини, бошқа айб эпизодларидан умуман хабари йўқлигини, бу тергов органи томонидан ўйлаб топилган ҳолатлар эканлигини баён қилиб, қонуний қарор чиқаришни сўради.



Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган И.Закиров айбига қисман иқрорлик билдириб, судланувчи И.Ахмедовни танишини, Ф.Курбоновни танимаслигини, у 4-5 йилдан буён гашиш гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиб келишини, гиёҳвандлик воситасини турли шахслардан сотиб олишини, шу жумладан И.Ахмедовдан ҳам сотиб олишини, 2024 йил 19 март куни соат тахминан 19:30 ларда Тошкент шаҳар Юнусобод туманида жойлашган “Оқсарой” миллий таомлари ошхонаси яқинида И.Ахмедов билан ўзининг бошқарувидаги “Матиз” русумли автотранспорт воситасида кўришиб, ундан 1.400.000 сўм эвазига 5 гр. микдордаги полимер плёнка бўлагига ўралган гашиш гиёҳвандлик воситасини сотиб олганини, у гиёҳвандлик воситасини автомашинасини полиги тагига қўйиб, биргаликда сигарет чекиш учун автомашинадан тушишганида тезкор ходимлари томонидан ушланганларини, у ҳеч кимга гиёҳвандлик воситасини сотиш мақсади бўлмаганини, тезкор ходимлар холислар иштирокида гиёҳвандлик воситасини олишганини, нима учун 5 грамм эмас, балки 15 грамм эканлигини билмаслигини, И.Ахмедов у берган 1.400.000 сўм пулни ўзига тегишли бўлган пулларни орасига қўйганини баён қилиб, қонуний қарор чиқаришни сўради.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Б.Сатторов, Тошкент вилояти божхона бошқармаси контрабандага қарши кураш бўлимида муҳим ишлар бўйича катта тезкор вакил лавозимида ишлашини, судланувчиларни иш бўйича танишини, 2024 йил 19 март куни топшириқ асосида Ўзбекистон Республикаси ДХХ ходимлари томонидан ташкиллаштирилган тезкор тадбирга жалб қилинганини, олинган тезкор маълумотлар асосида кузатувга олинган И.Ахмедовни кузатиб Тошкент шаҳри Юнусобод туманида жойлашга «Оқсарой» миллий таомлар олдида «Матиз» русумли автотранспорт воситасига миниб, бир-оз вақтдан сўнг автомашинадан тушган вақтда тезкор ходимлар томонидан ушланганини, улар ўзларини таништириб, нима мақсадда юрганлиги сўралиб, И.Ахмедовни ёни текширганида чўнтагидан 5.580.000 сўм пул ва уяли алоқа телефони борлиги аниқланганини, нима мақсадда бу ерга келганлиги сўралганда «Матиз» русумли автотранспорт воситаси ҳайдовчиси И.Закировга 1.400.000 сўмга гашиш гиёҳвандлик воситасини сотганлигини маълум қилганини, И.Закировни бошқарувида бўлган «Матиз» русумли автомашинанинг ҳайдовчи ўриндиғи полиги тагидан думалоқ шаклда целлофанга ўралган гашиш гиёҳвандлик моддасига ўхшаш восита топилганини, И.Закировдан мазкур восита тўғрисида сўралганда 1.400.000 сўм эвазига И.Ахмедовдан ушбу гашиш моддасини сотиб олганлигини маълум қилганини, моддани расмийлаштириб олиб, конвертга солиб холислар иштирокида имзоланганини, шундан сўнг Ф.Курбановга тегишли «Дамас» русумли автотранспорт воситаси кўздан кечирилганда ҳеч қандай тақиқланган нарсалар топилмаганини, И.Ахмедовни кўрсатмасига асосан унинг яшаш хонадонига боришганини, у ердан у ўз ихтиёри билан тарози ва наша гиёҳвандлик моддаси уруғларини тақдим қилганини, барча ҳужжатларни воқеа жойида тўлиқ расмийлаштириш имконияти бўлмаганлиги сабабли Тошкент вилояти божхона бошқармасига бориб, у ерда қолган процессуал ҳаракатларни амалга



оширишганини, гашиш моддаси белгиланган тартибда холислар ва судланувчилар иштирокида очиб тарозида тортиб, далолатнома тузиб имзолаб экспертизага берилганини, тўпланган ҳужжатларни эртаси куни суриштирув бўлимига топширганини, қолган суриштирув ва тергов ишларини бошқалар олиб боришганини, тарози ва уруғлар юзасидан экспертиза тайинламагани, уларни суриштирув бўлимига топширганини, судланувчиларга тазйик ўтказишмаганини, барчаси ихтиёрий кўрсатувлар беришганини, тезкор тадбир иштирокчиларида фақат И.Ахмедов тўғрисида гиёҳвандлик воситаларини қонунга ҳилоф равишда ўтказаетгани тўғрисида маълумотлар бўлган, тезкор маълумотлар асосида кузатув тезкор тадбир амалга оширилиб, И.Ахмедов ва бошқалар ушланишган, ариза ёки шартли харидор иштирок этишмаган, И.Ахмедов ўз ихтиёри билан ушлаш жараёнида гиёҳвандлик воситасини 1.400.000 сўмга сотганини кўрсатиб ўтган, ва ундан олинган пул маблағлари тўлиғича депозит ҳисоб рақамига иш натижасига кўра ҳал қилиниши мақсадида топширилган, тадбир иштирокчиларида И.Закиров гиёҳвандлик воситаларини қонунга ҳилоф равишда ўтказаетгани тўғрисида маълумотлар бўлмаганини баён қилди.

Судда гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Ф.Алимов, гувоҳ тариқасида сўроқ қилинган Б.Сатторовнинг кўрсатувиغا ўхшаш, аналогик кўрсатувлар берди.

Бундан ташқари, судланувчи И.Ахмедов, Ф.Курбанов ва И.Закировларнинг айблари, қуйидагилар билан, яъни: 2024 йил 20 март кунидаги тезкор тадбир жараёнида И.Ахмедов, И.Закировларни ушлаш ва улардан ашёвий далилларни олиш тўғрисидаги билдирги, тезкор кузатув тезкор қидирув тадбири ўтказиш тўғрисидаги қарор, “Матиз” русумли транспорт воситасини кўздан кечириш, аниқланган ашёларни санаш ва олиб қўйиш тўғрисидаги баённома, ва унга илова қилинган фотожадваллар, шахсий тинтув ўтказиш ҳақидаги баённомалар, “Дамас” русумли транспорт воситасини кўздан кечириш, аниқланган нарсаларни олиш тўғрисидаги баённома; олиб қўйилган моддани назорат ўлчовдан ўтказиш тўғрисидаги баённома, тезкор тадбир ўтказиш, тезкор кузатувга олиш, транспорт воситаси, шахсни ёнидаги буюмларни ва хонадон кўздан кечириш ҳамда олиб қўйиш ҳақидаги баённома, Тошкент вилоят ИИБ ЭКБнинг 2024 йил 20 мартдаги 406-сонли суд кимёвий экспертиза хулосаси; РМИАТМ Тошкент филиалининг 2024 йил 16 апрелдаги 900-сонли, 901-сонли ва 902-сонли нарकोлогия экспертизаларнинг, яъни И.Ахмедов, Ф.Курбанов ва И.Закировлар гашиш гиёҳвандлик моддаларини истеъмол қилишлари, И.Закиров гиёҳвандлик хасталигига чалинганлиги ва мажбурий даволанишга муҳтожлиги тўғрисидаги хулосалари; судланувчилар ва гувоҳларнинг дастлабки терговда берган тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари, ҳамда иш ҳужжатларида тўпланган бошқа далиллар йиғиндиси билан ўз тасдиғини топади.

Суд, иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, уларга юридик баҳо бериб, юқорида келтирилган далилларни тўлиқ асосли ва



холисона, судланувчилар И.Ахмедов, Ф.Курбанов ва И.Закировларнинг айблари тасдиқланган деб ҳисоблайди.

Шунингдек, судлов ҳайъати судланувчи И.Ахмедовнинг гиёҳвандлик воситаларини сотиш билан шуғулланмагани, И.Закировга гиёҳвандлик воситасини сотмагани, текинга бергани, барча пул маблағлари ўзига тегишли эканлиги, суриштирув ва тергов органи унга тухмат қилинаётгани ва тезкор ходимларининг фараз қилинган ҳолатлар сўроқ баённомаларда акс эттирилганлиги тўғрисидаги важларини муҳокама қилиб, суд мажлисида кўрилган И.Ахмедовнинг ушлаш жараёнидаги олинган видеоёзувда И.Ахмедов ушбу гиёҳвандлик воситасини уйда ўлчаб, И.Закировга 1.400.000 сўмга сотгани тўғрисидаги гаплари акс эттирилгани, И.Ахмедовнинг дастлабки терговда И.Закировга 1.400.000 сўмга гиёҳвандлик воситасини сотганлиги тўғрисидаги айбига иқрорлик билдириб берган аризаси, И.Ахмедов, Ф.Курбанов ва И.Закировларнинг дастлабки тергов жараёнида адвокат иштирокида тўлиқ, эркин ва батафсил, содир этилган жиноятларни ёритиб берган тўғрисидаги кўрсатувлари, уларнинг телефонларида олинган скриншотлар, судланувчи И.Закировнинг дастлабки тергов ва судда И.Ахмедовдан гиёҳвандлик воситасини 1.400.000 сўмга харид қилганлиги тўғрисидаги кўрсатувлари билан инкор этилиб, жавобгарликдан қутилиш мақсадида келтирилган важлар деб ҳисоблайди.

Суд судланувчилар И.Ахмедов, Ф.Курбанов ва И.Закировларнинг содир этган жиноий ҳаракатларига юридик баҳо бериб:

Дастлабки тергов органи томонидан И.Ахмедовнинг «*Гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотиш*» да ифодаланган ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми билан тўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Бирок, дастлабки тергов органи томонидан И.Закировни ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми билан, Ф.Курбановни ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,273-моддаси 5-қисми билан кўйидаги асосларга кўра нотўғри малакаланган деб ҳисоблайди.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми диспозициясига кўра, «*Гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда сотишга суиқасд қилиш ҳамда иштирокчилик*» да ифодаланган ҳаракатлари учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 22-моддасида, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд жиноят юз берганлигини, унинг содир этилишида ким айбдорлигини, шунингдек у билан боғлиқ барча ҳолатларни аниқлаши шартлиги, иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат ушбу Кодексда назарда тутилган тартибда топилган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, гумон қилинувчидан, айбланувчидан, судланувчидан, жабрланувчидан, гувоҳдан ва ишда иштирок этувчи бошқа шахслардан зўрлаш, кўрқитиш, ҳуқуқларини чеклаш ва қонунга хилоф бўлган ўзгача чоралар билан кўрсатувлар олишга ҳаракат қилиш ман этилиши, иш



бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган, ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги;

82-моддасида, ишни айблов ҳулосаси ёки айблов далолатномаси билан судга юбориш ва айблов ҳукми чиқариш учун жиноят объекти; жиноят туфайли етказилган зиённинг хусусияти ва миқдори, жабрланувчининг шахсини тавсифловчи ҳолатлар; содир этилган жиноятнинг вақти, жойи, усули, шунингдек Жиноят кодексида кўрсатиб ўтилган бошқа ҳолатлари; қилмиш ва рўй берган ижтимоий хавfli оқибатлар ўртасидаги сабабий боғланиш; жиноятнинг ушбу шахс томонидан содир этилганлиги исботланган бўлиши кераклиги;

463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршиликларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, далилларни баҳолаш жиноят иши учун аҳамиятли бўлган мавжуд ҳолатлар ҳақидаги ҳулосаларни тасдиқловчи, рад этувчи ёки шубҳа остига олувчи фактлар ёки нарсалар тўғрисидаги маълумотларни акс эттирган тақдирдагина ишга алоқадор деб эътироф этилиши, текширув натижасида ҳақиқатга мувофиқ эканлиги аниқланган далиллар ишончли деб ҳисобланиши, судланувчининг айбдорлиги (айбсизлиги) тўғрисидаги суднинг ҳулосаларига зид бўлган далиллар ҳукмда нафақат кўрсатилиши балки, суд томонидан нима учун улар ишончсиз деб топилганлиги ва рад этилганлиги сабаблари асослантирилган бўлиши лозимлиги, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини ҳам фош қиладиган, ҳам оқлайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини ёритиши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги;

Қарорнинг 5-бандида, ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлиги, ҳукм



ЖПКнинг 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги, суд ҳукмда, суриштирув, дастлабки тергов ёки бошқа суд мажлисидаги судланувчи, жабрланувчи, гувоҳларнинг кўрсатувларига, экспертларнинг хулосаларига ва тергов ҳаракатларининг баённомаларига, ЖПКнинг 443-моддасига мувофиқ, ушбу далилларга фақатгина суд мажлисида ўқиб эшиттирилган ва текширилгандагина ҳавола қилиниши мумкинлиги ҳақида тушунтиришлар берилган.

Бироқ, дастлабки тергов органи томонидан юқоридаги Қонун талаблари ва Олий суд Пленуми қарори тушунтиришларига риоя қилмасдан, иш бўйича тўпланган далилларни баҳолашда ва тўпланган далиллар судланувчилар Ф.Қурбонов ва И.Закировларни гиёҳвандлик воситалари сотишда иштирокчилик қилиш ҳамда суиқасд қилишда айблаш бўйича ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисми, 28,273-моддаси 5-қисми билан айблашга асос бўла олиши ёки асос бўла олмаслиги масаласига ҳуқуқий баҳо беришда хатоликка йўл қўйиб, мазкур ҳолатлар бўйича судланувчиларга нисбатан асоссиз айблов қўйилган.

Мазкур муҳокама қилинаётган ҳолатда, дастлабки тергов органи томонидан И.Закиров 16 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 1.400.000 сўмга сотиб олган вақтда қўлга олинган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, И.Закиров томонидан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини бирор бир шахсга сотаётганлиги аниқланмаган. И.Закиров айнан кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўзининг истеъмоли учун харид қилган вақтда қўлга олинган.

Гувоҳ Сатторовнинг судда, И.Закиров гиёҳвандлик воситасини бирор кишига ўтказгани тўғрисидаги маълумотлар тезкор тадбир иштирокчиларида мавжуд бўлмагани тўғрисида баён қилди.

Шунингдек, амбулатор наркологик экспертизасининг 2024 йил 16 апрелдаги 900-сонли хулосасига кўра, И.Закиров гиёҳвандлик воситасига муҳтожлиги, у доимий равишда миқдорини кўпайтирган ҳолда гашиш воситаларини истеъмол қилишини, мажбурий даволанишга муҳтожлиги қайд этилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 25-бандида айбдорда гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда ўтказишга (ЖК 273-моддаси биринчи, иккинчи, учинчи, бешинчи қисмлари) қасд мавжудлиги тўғрисидаги масалани ҳал этишда, судлар бундай восита ёки моддалар ҳақиқатдан ўтказиш мақсадида тайёрлаб қўйилганлигига оид далиллар мажмуидан келиб чиқишлари лозим. Бундай далилларга, масалан, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар фақат истеъмол қилинишини истисно этадиган миқдорда топилганлиги, бундай восита ёки моддалар муайян дозада (ўлчамда) кадоқланганлиги, улар ташиш ёки жўнатишда махсус махфий жойга



яширилганлиги, уларни тайёрлаш учун асбоб-ускуналар мавжудлиги, экспертизанинг айбдор гиёҳванд эмаслиги тўғрисидаги хулосаси ва ҳ.к.лар киради. Иш бўйича аниқланган ҳақиқий ҳолатлардан келиб чиқиб, айбдорнинг ҳаракатлари ЖК 25–моддасининг биринчи ёки иккинчи қисми ва ЖК 273-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилиниши керак.

Бундан ташқари судланувчи И.Закиров ўз кўрсатувларида 4-5 йилдан бўён гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилишлигини, кунига 1-2 маротаба истеъмол қилишлигини, шу сабабли ҳам ундан ўзи 5 грамм гашиш сотиб олмоқчи бўлганлигини, 5 грамм гиёҳвандлик моддаси унга бир ҳафта-10 кунга етишини, буни ўзининг истеъмоли учун харид қилганлигини баён қилди.

Бундай ҳолатда, И.Закиров томонидан ўзи гиёҳвандликка чалинган шахс бўла туриб, гиёҳвандлик воситаларни қонунга хилоф равишда ўтказиш мақсадини кўзлагани мавҳумдир.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига кўра, *“Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишида айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириши, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириши, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериши натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим”*лиги белгилаб кўйилган.

Юқоридагиларга кўра, суд И.Закировнинг ҳаракатларида гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида олганлиги ва сотишга суиқасд қилганлиги тўғрисидаги айблов бирор бир объектив далиллар билан тасдиғини топмади деган хулосага келади.

Мазкур ҳолатда, дастлабки тергов органи томонидан И.Закировни тахминларга асосланган ҳолда айблаган бўлиб, унинг гиёҳвандлик воситаларини ўтказиш мақсадида олганликда ифодаланган жиноят содир этишда айбли эканлиги исбот қиладиган ишончли далиллар тўпланмаган. И.Закиров томонидан жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текширилган бўлсада, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш имконияти, ҳамда йиғилган ишончли далиллар мавжуд эмас.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми диспозитивига кўра, *“Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда кўп миқдорда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш”*да ифодаланган ҳаракат учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, И.Закиров кўп миқдордаги гиёҳвандлик воситасини ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда кўп миқдорда олган.



Бундай ҳолатда, суд ҳайъати И.Закировнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,273-моддаси 5-қисмидан ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми “а” бандига қайта малакалашни лозим топади.

Бундан ташқари, дастлабки тергов органи томонидан И.Ахмедов ва Ф.Қурбоновлар 2024 йилнинг февраль ойида моддий манфаатдорлик эвазига гиёҳвандлик воситаларини ноқонуний ўтказиш билан шуғулланувчи таниши Ахмедов Иброҳимбек Жаҳонгирович унга ўз истеъмоли учун “гашиш” гиёҳвандлик воситасини бериш эвазига бошқарувидаги давлат рақам белгиси 10 С 229 ХА бўлган “ДАМАС” русумли автотранспорт воситасида гиёҳванд воситаларни олиш ва ўтказишда ҳайдовчи сифатида ёрдамчи бўлишига қизиқтириб, уни жиноятда ёрдамчи тариқасида иштирок этишига келишиб, у билан олдиндан жиноий тил бириктириб бир гуруҳ бўлиб, И.Ж.Ахмедовнинг жиноий режасига мувофиқ, дастлабки терговда шахсига аниқлик киритишнинг имкони бўлмаган “Баходир” исмли шахс билан “telegram” мессенджери орқали 250 гр. кўп миқдоридаги “гашиш” (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситасини келгусида қонунга хилоф равишда сотиш орқали ўтказиш мақсадини кўзлаб 2.500 АҚШ доллари пул маблағлари эвазига сотиб олишга келишиб, шунча миқдордаги пулларни бериб, келишувга кўра, “Баходир” исмли шахс томонидан белгилаб юборилган локация орқали 2024 йил февраль ойида И.Ж.Ахмедовни ўзининг автотранспорт воситасида Тошкент вилояти Нурафшон шаҳри, Тошкент йўли кўчаси бўйидан келгусида ўтказиш учун олган.

Бундан ташқари, 2024 йилнинг март ойида И.Ж.Ахмедов унга ўз истеъмоли учун “гашиш” гиёҳвандлик воситасини бериш эвазига бошқарувидаги давлат рақам белгиси 10 С 229 ХА булган “ДАМАС” русумли автотранспорт воситасида гиёҳванд воситаларни олиш ва ўтказишда ҳайдовчи сифатида ёрдамчи бўлишига қизиқтириб, уни жиноятда ёрдамчи тариқасида иштирок этишига келишиб, у билан олдиндан жиноий тил бириктириб бир гуруҳ бўлиб, И.Ж.Ахмедовнинг жиноий режасига мувофиқ, дастлабки терговда шахсига аниқлик киритишнинг имкони бўлмаган “Баходир” исмли шахс билан “telegram” мессенджери орқали 250 гр. кўп миқдоридаги “гашиш” (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситасини келгусида қонунга хилоф равишда сотиш орқали ўтказиш мақсадини кўзлаб 2.500 АҚШ доллари пул маблағлари эвазига сотиб олишга келишиб, 12.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини бериб, келишувга кўра, “Баходир” исмли шахс томонидан белгилаб юборилган локация орқали 2024 йил март ойида Ф.Б.Қурбонов билан унинг автотранспорт воситасида Тошкент вилояти Ўртачирчиқ тумани Нурафшон йўли кўчаси бўйидан келгусида ўтказиш учун олганликда ифодаланган ҳаракатлари бўйича И.Ахмедовни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисми, Ф.Қурбоновни Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,276-моддаси 5-қисми билан айб эълон қилинган.

Бундан ташқари, дастлабки тергов органи томонидан Ф.Қурбонов И.Ахмедов унга ўз истеъмоли учун “гашиш” гиёҳвандлик воситасини бериш эвазига бошқарувидаги давлат рақам белгиси 10 С 229 ХА бўлган “ДАМАС”



русумли автотранспорт воситасида гиёҳванд воситаларни олиш ва ўтказишда ҳайдовчи сифатида ёрдамчи бўлишига қизиқтириб, уни жинойтда ёрдамчи тариқасида иштирок этишига келишиб, у билан олдиндан жинойт тил бириктириб бир гуруҳ бўлиб, И.Ж.Ахмедовнинг жинойт режасига мувофиқ, И.Ж.Ахмедов ўзига олдиндан таниш бўлган Закиров Искандар Джораевичга 15 гр. миқдордаги “гашиш” (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситасини 1.400.000 сўм эвазига сотишга келишиб, келишувга кўра, 19.03.2024 йил соат тахминан 19:30 ларда И.Ж.Ахмедовни ўзининг автотранспорт воситасида Тошкент шаҳар Юнусобод туманида А.Темур шох кўчаси ва Фароғат 5-тор кўчаси яқинида жойлашган “Оқсарой” миллий таомлари ошхонаси яқинида И.Дж.Закиров билан кўришиб, унга “гашиш” гиёҳвандлик воситасини қонунга ҳилоф равишда моддий манфаатдорлик эвазига ўтказиши учун олиб бориши натижасида И.Ж.Ахмедов, И.Дж.Закиров билан унинг бошқарувидаги давлат рақам белгиси 01N043PB бўлган “Матиз” русумли автотранспорт воситасида кўришиб, олдиндан келишилган 15 гр. миқдоридаги полимер плёнка бўлагига ўралган 1 дона қора рангли полиэтилен пакетдаги қўнғир рангли, ўзига хос (наша ўсимлиги) ҳидига эга ширали ГАШИШ (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситасини 1.400.000 сўм эвазига ўтказиб, ундан мазкур пул маблағларини олган вақтида Тошкент вилояти божхона бошқармаси ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ тезкор ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда ушланган.

Тезкор-тадбир давомида И.Закиров бошқарувидаги “Матиз” русумли автотранспорт воситасидан 1 дона қора рангли полиэтилен пакетдаги қўнғир рангли, ўзига хос (наша ўсимлиги) ҳидига эга ширали ГАШИШ (наша, каннабис смоласи) гиёҳвандлик воситасини ҳамда И.Ахмедовдан 1.400.000 сўм миқдorigа нақд пуллар ҳолислар иштирокида расмийлаштириб олинганликда ифодаланган ҳаракатлари бўйича Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,273-моддаси 5-қисми билан айб эълон қилинган.

Дастлабки тергов жараёнида Ф.Қурбонов барча тушунтириш ва сўроқларида, И.Ахмедовнинг буюртмасига кўра, И.Ахмедовни киракашлик қилганлиги учун ҳақ, яъни пул ва гиёҳвандлик воситаси эвазига олиб юрганини, уни олиб юргани вақтида И.Ахмедов гиёҳвандлик воситасини ўтказиш билан шуғулланганини сезганини, И.Ахмедов унга гиёҳвандлик воситасини ўтказиш билан шуғулланганини айтмаган. Бундан ташқари, Ф.Қурбонов И.Ахмедовга гиёҳвандлик воситасини ўтказишда ёрдам берганлиги акс эттирилмаган ва буни судда исботлашнинг имкони бўлмади.

Шунингдек, дастлабки тергов жараёнида И.Ахмедов барча сўроқларида, унинг буюртмасига кўра, Ф.Қурбонов ўзига тегишли автомашинасида киракашлик қилганлиги учун ҳақ, яъни пул ва гиёҳвандлик воситаси эвазига, уни олиб юргани, Ф.Қурбоновга гиёҳвандлик воситасини ўтказиш билан шуғуллангани тўғрисида гапирмагани, гиёҳвандлик воситасини ўтказишда ёрдам бермагани акс эттирилган.

Шу билан бирга, дастлабки тергов органи томонидан, Ф.Қурбонов И.Ахмедов билан гиёҳвандлик воситасини ўтказишда жинойт тил



бириктиргани, гиёҳвандлик воситасини ўтказишда ёрдамчилик қилганлиги ҳолатини тасдиқловчи бирорта асос бўлувчи ишончли далил тўпланмаган.

Ваҳоланки, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 463-моддасига кўра, Айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмас ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилади. Айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олинishi лозим.

Мазкур ҳолатда, дастлабки тергов органи томонидан Ф.Қурбоновни тахминларга асосланган ҳолда айблаган бўлиб, унинг жиноят содир этишда айбли эканлиги исбот қиладиган ишончли далиллар тўпланмаган. Ф.Қурбонов томонидан жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текширилган бўлсада, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш имконияти, ҳамда йиғилган ишончли далиллар мавжуд эмас.

Бундай ҳолда, Ф.Қурбонов И.Ахмедов билан олдиндан жиноий тил бириктиргани, И.Ахмедов билан иштирокчиликда гиёҳвандлик воситасини ўтказишда жиноят содир қилганлиги ҳолати ўз тасдиғини топмади.

Бироқ, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддаси 2-қисми кўра, “оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яшириш”да ифодаланган ҳаракатлар учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Судда аниқланган ҳолатларга кўра, Ф.Қурбонов ҳақиқатдан ҳам, И.Ахмедов унга ўз истеъмоли учун “гашиш” гиёҳвандлик воситасини бериш эвазига, бошқарувидаги давлат рақам белгиси 10 С 229 ХА булган “ДАМАС” русумли автотранспорт воситасида олиб юрганлиги, И.Ахмедов Ф.Қурбоновдан фақатгина ҳайдовчи сифатида фойдаланган бўлиб, у И.Ахмедов томонидан содир этилган оғир ёки ўта оғир жиноятларни олдиндан ваъда бермасдан яширган.

Шу боис суд, Ф.Қурбоновнинг ҳаракатларини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 28,273-моддаси 5-қисмидан, шу кодекснинг 241-моддаси 2-қисмига қайта квалификация қилишни лозим топади.

Юқоридагиларга кўра, И.Ахмедовнинг 2024 йилнинг февраль ва март ойларида ойида Ф.Қурбоновга ўз истеъмоли учун “гашиш” гиёҳвандлик воситасини хизмат ҳақи эвазига бергани, “Баходир” исмли шахсдан 250 гр. “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 2.500 АҚШ доллари пул маблағлари эвазига сотиб олгани, 12.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини бергани ҳолатларини тасдиқловчи далиллар юқорида кўрсатиб ўтилган асосларга кўра мавжуд эмас.

Шу боис, суд И.Ахмедовнинг айбидан 2024 йилнинг февраль ва март ойларида ойида Ф.Қурбоновга ўз истеъмоли учун “гашиш” гиёҳвандлик воситасини хизмат ҳақи эвазига бергани ва “Баходир” исмли шахсдан



2 маротаба 250 гр. “гашиш” гиёҳвандлик воситасини 2.500 АҚШ доллари пул маблағлари эвазига сотиб олгани, бунинг эвазига 12.000.000 сўм миқдоридаги пул маблағларини бергани ҳолатларини ўз тасдиғини топмагани сабабли айбидан чиқаришни ва ишнинг шу қисмини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 83-моддаси 1-қисмига асосан ҳаракатдан тугатишни лозим топади.

Судлов ҳайъати: судланувчи И.Ахмедовга жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқрор ва пушаймонлигини, оилавий шароитини, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, жиноят ғараз ниятларда содир этилганини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этишни;

Судланувчи Ф.Курбановга жазо тайинлашда унинг оилавий шароитини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, жиноят ғараз ниятларда содир этилганини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат деб эътироф этишни;

Судланувчи И.Закировга жазо тайинлашда унинг айбига қисман иқрорлигини, оилавий шароитини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб эътироф этишни, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб эътироф этишни лозим топди.

Судлов ҳайъати, И.Ахмедовга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, иш бўйича енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, қилмишидан пушаймонлигини, шунингдек, содир этган жиноятнинг жамият учун хавфлилигини, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиши инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши, Республикадаги криминоген вазиятга, гиёҳвандлик оқибатида кўплаб оғир жиноятлар содир этилиши, оилалар барбод бўлиши инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти йўқ деб ҳисоблаб, айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашни;

Ф.Курбановга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, иш бўйича енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, қилмишидан пушаймонлигини, шунингдек, содир этган жиноятнинг жамият учун хавфлилигини, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга ҳилоф равишда муомала қилиши инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши, Республикадаги криминоген вазиятга, гиёҳвандлик оқибатида кўплаб оғир жиноятлар содир этилиши, оилалар барбод бўлиши инобатга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти йўқ деб ҳисоблаб, айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашни;

И.Закировга жазо тури ва миқдорини тайинлашда, иш бўйича енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олиб, айбига қисман иқрорлиги ва пушаймонлигини, шунингдек, содир этган жиноятнинг жамият



учун хавфлилигини, гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилиши инсон соғлиғи ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солиши, Республикадаги криминоген вазиятга, гиёҳвандлик оқибатида кўплаб оғир жиноятлар содир этилиши, оилалар барбод бўлиши инobatга олиб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатиш имконияти йўқ деб ҳисоблаб, айбланаётган модда санкцияси доирасида озодликдан маҳрум этиш жазоси тайинлашни мақсадга мувофиқ деб топади.

Бинобарин, Тошкент шаҳар махсулаштирилган наркологиya илмий тиббий марказининг 2024 йил 16 апрелдаги 900-сонли хулосасига кўра, И.Закиров наркомания хасталигига чалинганини, ва мажбурий даволанишга муҳтожлиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддада, “Алкоголизмга йўлиққан шахслар томонидан жиноят содир этилган тақдирда, агар тиббий хулоса мавжуд бўлса, суд жазо тайинлаш билан бирга уларга нисбатан тиббий йўсиндаги мажбурлов чораларини тайинлаши мумкин”лиги белгилаб қўйилган.

Шу боис, суд И.Закировга жазони ўташ жойларда наркоманиядан даволаниш мажбурлов чорасини қўллашни, ва мажбурий наркоманиядан даволанишни белгилашни;

Суд ашёвий далил деб эътироф этилган:

И.Ахмедовдан расмийлаштириб олинган 5.580.000 сўмдан: гиёҳвандлик воситасини харид қилиш учун ишлатилган 1.400.000 сўмни давлат фойдасига ўтказишни, қолган 4.180.000 сўмни эгаси И.Ахмедовнинг яқин қариндошига қайтаришни; Тошкент вилоят ДХХ далилий ашёларни сақлаш хонага топширилган кимёвий тадқиқотдан сўнг қайтарилган 15.79 грамм гашиш гиёҳвандлик воситасини йўқ қилишни лозим топди.

Юқорида баён қилинганларга кўра Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211, 298, 454-457, 462-468 ва 471-473-моддаларига асосланиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ахмедов Иброхимбек Жахонгирович (Axmedov Ibroximbek Jahongirovich) Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 273-моддаси 5-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Ахмедов Иброхимбек Жахонгировичга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 273-моддаси 5-қисми билан 10 (ўн) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо умумий тартибли колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2024 йил 17 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

И.Ахмедовнинг эҳтиёт чораси аслича, қамоқда қолдирилсин.

Курбанов Фарход Бахрамович (Kurbano'v Farhod Bahramovich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 241-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Курбанов Фарход Бахрамовичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 241-моддаси 2-қисми билан 2 (икки) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.



Жазо манзил колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2024 йил 17 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Ф.Курбановнинг эҳтиёт чораси аслича, қамоқда қолдирилсин.

Закиров Искандар Джораевич (Zakirov Iskandar Djorayevich) Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисми «а» бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилсин.

Закиров Искандар Джораевичга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 2-қисми «а» банди билан 4 (тўрт) йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Жазо-манзил колонияларда ўтаттирилсин.

Жазо муддати 2024 йил 17 апрель кунидан бошлаб ҳисоблансин.

И.Закировнинг эҳтиёт чораси аслича, қамоқда қолдирилсин.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан И.Закировга нисбатан жазони ўташ жойларда наркоманиядан мажбурий даволаниш белгилансин.

Ашёвий далил деб эътироф этилган:

1.400.000 сўм пул маблағи давлат фойдасига ўтказилсин.

4.180.000 сўм пул маблағи И.Ахмедовнинг яқин қариндошларига қайтарилсин.

Тошкент вилоят ДХХ далилий ашёларни сақлаш хонага топширилган кимёвий тадқиқотдан сўнг қайтарилган 15.79 грамм гашиш гиёҳвандлик моддаси йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб ўн кунлик муддат ичида, судланувчилар эса ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шу суд орқали Тошкент вилоят судига жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига шикоят беришга, прокурор эса протест келтиришга ҳақлидирлар.

Раислик этувчи:

(имзо)

О.Мустафаев

Ҳалқ маслаҳатчилари:

Р.Абдрахова

М.Гафурова

Аслига тўғри

